

**ЧЭИИ “Toshkentvino kombinati” АЖ акциядорларининг 2021 йил  
19 апрелда ўтказилган умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган  
қарорлар:**

№	Кун тартиби	Қабул қилинган қарор
1	Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.	Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламенти қуйидагича тасдиқлансин. Сўзга чиқиш - 10 дақиқагача; Савол – жавоблар - 10 дақиқагача; Умумий йиғилишни танаффуссиз ўтказиш.
2	2020 йил якуни бўйича ташқи аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаб олиш ва унга тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш	ЧЭИИ “Toshkentvino kombinati” АЖнинг 2020 йил молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича ташқи аудитори этиб, «Diplomat-audit» МЧЖ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ва унинг хизмат ҳақи миқдори қуйидагича 45 000 000 сўм (ҚҚС сиз) белгилансин.
3	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.10.2020 йилдаги ПФ-6096-сонли “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чоратadbирлар тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида, жамиятнинг корхоналардаги улушини Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказиш ҳисобига жамият устав капитали миқдорини қайта кўриб чиқиш	Кун тартибидаги учинчи масала бўйича қарор қабул қилинмади
4	Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш	ЧЭИИ “Тошкентвино комбинати” АЖнинг янги таҳрирдаги устави тасдиқлансин.
5	Жамиятнинг аввал рўйхатдан ўтказилган акциялар чиқарилишларига ўзгартиришлар киритиш	Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича қарор қабул қилинмади.
6	Жамият устав капиталини ошириш	Жамиятнинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобига жамият устав капиталини 7 482

		160 000 сўмдан 74 821 600 000 сўмга оширилсин.
7	Кўшимча чиқарилиши қарорни тасдиқлаш	акциялар тўғрисидаги
		Жамиятнинг кўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор кўйидагича тасдиқлансин. 1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): Оддий. 2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: Хужжатсиз. 3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): 4 000 сўм. 4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): 16 834 860 дона. 5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): 67 339 440 000 сўм. 6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари: тегишли жамият акциядорларининг реестрига киритилиш; депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш; жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш; жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш; акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиш; жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш; олган дивидендини эркин тасарруф этиш; қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш; ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш; ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотларига бирлашиш; қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга. Акциядорлар қонун

хужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин. 7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставига ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар: акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорга асосан, ушбу чиқарилишдаги акциялар акциядорлар ўртасида, ёпиқ обуна усулда жойлаштирилади. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставига чекловлар мавжуд эмас. 8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): 7 482 160 000 сўм. 9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): 1 870 540 дона оддий акциялар рўйхатдан ўтган. 10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): Жамият олдин облигациялар чиқармаган. 11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби. 11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна): ушбу чиқарилишдаги акциялар 13.04.2021 йил операция куни охирига шакллантирилган акциядорлар ўртасида, ёпиқ обуна усулида, уларнинг улушларига пропорционал равишда жойлаштирилади. 11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати: ушбу чиқарилишдаги акциялар Давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг бир ой ичида жойлаштирилади. Жойлаштиришни бошлаш санаси: Акцияларнинг ушбу чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган сана. Жойлаштиришни тугатиш санаси: ушбу чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб бир ой ичида

	<p>жойлаштирилади. 11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби: Ушбу чиқарилишдаги акциялар жамият акциядорларининг 2021 йил 13 апрел куни охирига шакллантирилган акциядорлари реесстрига мувофик, уларнинг улушларига пропорционал равишда, номинал қийматда, Жамиятнинг 2015-2019-йиллар якуни бўйича олган соф фойдаси ҳисобига, уюшмаган биржадан ташқари бозорда, шартномалар тузилмаган ҳолда жойлаштирилади. Ушбу акциялар чиқарилишини жойлаштириш учун андеррайтерлар жалб қилинмайди 11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони: Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ҳақида маълумот: Тўлиқ фирма номи: “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” Давлат корхонаси Ташкилий ҳуқуқий шакли: Давлат корхонаси Жойлашган жойи: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107 уй. Почта манзили: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107 уй. Телефон – 71 267-37-42, 71 267-36-94; E-mail: info@deponet.uz. қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачиси. Тўлиқ фирма номи: “Mulk-Sarmoya Brokerlik UYI” акциядорлик жамияти Ташкилий ҳуқуқий шакли: акциядорлик жамияти Жойлашган жойи: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107 уй. Почта манзили: 100170, Тошкент</p>
--	--

шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107 уй. 11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби: Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш назарда тутилмаган. 11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби: Ушбу чиқарилишдаги акциялар номинал қийматда жойлаштирилади. 11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби: Ушбу чиқарилишдаги акцияларга Жамиятнинг 2015-2019 йиллар якуни бўйича олган соф фойдаси ҳисобидан тўланади. бухгалтерия ёзувларида тегишли ўтказмалар орқали амалга оширилади. 11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби: Ушбу чиқарилишдаги акциялар умумий сонининг 100 фоизи жойлаштирилмаган тақдирда, ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилади. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда, пул маблағлари бухгалтерия балансида тегишли ўтказмалар орқали амалга оширилади. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда, бу ҳақида Жамиятнинг корпоратив веб—сайтида [www.toshkentvino.uz](http://www.toshkentvino.uz), корпоратив ахборот ягона порталида, ва оммавий ахборот воситаларида расмий билдиришнома чоп этади. 12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби: қўшима

		<p>акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорнинг асл ва нусхалари билан Жамиятнинг маъмурий биносида (100060, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 45 уй) танишиш мумкин. Қўшимча қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги ахборот давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин икки кунлик муддатда Жамиятнинг корпоратив веб—сайтида <a href="http://www.toshkentvino.uz">www.toshkentvino.uz</a> ва корпоратив ахборот ягона порталида эълон қилинади. 13. Бошқа маълумотлар. Кўзда тутилмаган.</p>
--	--	---